# ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси газетаси

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

8 январ, жума 1999 йил №3(650)


**Ушбу сонда:**


2 ТОВЛАМАЧИ, ПОРАХЎР ТУЗОҚҚА ИЛИНДИ

3 МЕҲР-ОҚИБАТ БЕКАТИ

4 ФУТБОЛ ОЛАМИДАГИ ЯНГИ ШОВ-ШУВЛАР


## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 январ куни амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Тожикистон Республикаси Бош вазири Яҳё Азимов раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, кириб келган янги 1999 йилда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари йўналишларини ва бу билан боғлиқ бўлган шарт-шароитларни белгилаб олиш мақсадга мувофиқ эканини қайд этди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик муносабатлари билан боғлиқ масалалар, хусусан, ана шундай алоқалар шартлари, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов ва бошқа расмий кишилар қатнашди.

Қабул маросимида Тожикистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Т.Мардонов ҳозир бўлди.

/ЎзА/

## Марказий сайлов комиссияси мажлиси

*7 январ куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди. Унинг ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди.*

Мажлисда ташкилий масала кўрилди. «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, Президент Ислом Каримов тақдимномасига биноан мазкур комиссия аъзоси, Давлат ва жамият қурилиши академиясининг проректори, профессор Нажмиддин Комилов Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси этиб сайланди.

Мажлисда ўтган йиллар мобайнида фуқароларимизнинг тафаккури, ҳуқуқий онги ўзгариб, уларнинг адолат ва қонун устуворлигига бўлган ишончи мустаҳкамланиб бораётгани қайд этилди. Шу маънода, сайловларни мамлакатимиз Конституцияси ва амалдаги қонунлар асосида, демократия тамойилларига риоя этган ҳолда ташкил этиш, сайловчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, бу борада тегишли тушунтириш ишлари олиб бориш, уларга қулай шарт-шароит яратиш Марказий сайлов комиссияси, жойлардаги сайлов округлари ва участкалари олдида турган энг муҳим вазифа экани таъкидланди.

/ЎзА/

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг* ФАРМОНИ

### Ибн Сино халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида

Дунё тиббиётига улкан ҳисса қўшган шифокор, олим ва файласуф Абу Али ибн Синонинг башариятга қолдирган бой меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, хусусан унинг маънавий-маърифий мероси асосида ватандошларимизни, айниқса ёшларни тарбиялаш, бу умумбашарий меросдан чет эл фуқароларини хабардор этиш, инсонпарварлик, хайрия ишларини амалга ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимиислоҳотида фаол иштирок этиш мақсадида:

1. Ибн Сино халқаро жамғармасини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон врачлар ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан киритилган таклиф қабул қилинсин.

2. Жамғарманинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат деб ҳисоблансин:

соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни тезлаштиришга кўмаклашиш;

соғлиқни сақлаш тизимини тузилиш жиҳатидан қайта қуришда, тиббий-ижтимоий хайрия ташкилотларини, нуронийлар учун геронтология /гериатрия/ марказларини очиш ва Ибн Сино таълимоти ҳамда замонавий тиббиёт илму фани асосида Шарқ табобатини /халқ табобатини/ ривожлантириб бориш;

Абу Али ибн Синонинг ижодий меросини чуқур ўрганиш ишларини ташкил этиш, мактаблар ва олий ўқув юртлари учун ўқув дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, буюк олим асарларини тартибга солиш ва уларни нашр этишга кўмаклашиш, Ибн Сино кутубхонасини очиш; буюк олим асарлари асосида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, китоблар, рисолалар, журнал нашр этиш, телевидение ва радиода доимий ишлаб турадиган дастурлар очиш, Ибн Сино музейини барпо этиш;

Ибн Синонинг тиббий ва илмий-маънавий меросига оид тадқиқотлар олиб боришга, унинг фандаги мактабларини ўрганишга кўмаклашиш, хусусан олимларнинг бу борадаги илмий фаолиятини рағбатлантириш ва мувофиқлаштириш;

тиббиёт ва доришунослик соҳасидаги энг яхши ишлар учун Ибн Сино номидаги мукофот таъсис этиш ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш;

чет эл олимлари билан алоқалар ўрнатиш, Ибн Синонинг илмий меросига бағишланган халқаро симпозиумлар, конференциялар, конгресслар ўтказиш;

мамлакатнинг барча вилоятларида ва хорижий ўлкаларда Жамғарма бўлимларини ташкил этиш, буюк ватандошимиз таваллуд топган тупроқ - Бухоро шаҳрида ҳар йили Ибн Сино халқаро ўқишларини ўтказиб туриш;

ЮНЕСКО билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилиб бориш, Жамғарманинг равнақ топиб бориши учун моддий асос яратиш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб этиш.

3. Ибн Сино халқаро жамғармаси фаолиятини қўллаб- қувватлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан 10 миллион сўм миқдорида маблағ ажратсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари, хорижий юридик ва жисмоний шахслар ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан бериладиган хайрия маблағлари учун Жамғарманинг ҳисоб рақами доимо очиқ ҳисобланади.

Ибн Сино халқаро жамғармаси ва унинг бўлимлари давлат бюджетига тўланадиган ҳамма турдаги солиқлар, бож тўловидан беш йил муддатга озод қилинсин ва булар Низомда кўзда тутилган фаолиятларни амалга ошириш учун сарфлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма фаолиятини маблағлар билан таъминлашнинг асосий манбалари қуйидагилар бўлиб ҳисобланади: давлат грантлари, ўзбекистонлик ва хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари, халқаро инвестициялар, хайрия бадаллари ва ўз фаолиятидан тушадиган даромад маблағлари.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кунлик муддат ичида мазкур Фармоннинг бажарилиши юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 6 январь.

## ШОИР, МУТАФАККИР ВА ПАҲЛАВОН ХОТИРАСИ

Хоразм вилоятида шоир, мутафаккир ва афсонавий баҳодир Паҳлавон Маҳмуд таваллудининг 750 йиллик юбилейи кенг нишонланди. Буюк аждодимиз хотирасига бағишланган тантана унинг туғилиб ўсган шаҳри - қадимий Хивада ҳам бўлиб ўтди.

Муҳим сана муносабати билан Хоразмдаги Маъмун академиясида ўтказилган илмий-амалий конференция Паҳлавон Маҳмуднинг кўп қиррали назмий ва фалсафий меъросига бағишланди.

Урганч давлат университети ва академия олимларининг маърузаларида Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти ва ижодини ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари умумлаштирилди.

Ноёб «Ичан-Қалъа» музей-қўриқхонасида ушбу юбилей шарафига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Унда Хоразм вилоятининг шаҳарлари ва туманлари ҳокимлари, ижодкор зиёлилар, дин пешволари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар шоир, мутафаккир Паҳлавон Маҳмуд таваллудининг 750 йиллик юбилейига тайёргарлик ишлари кўтаринки руҳда олиб борилганини таъкидлаб ўтдилар. Нисбатан қисқа муддатда Паҳлавон Маҳмуд мақбараси обдон таъмирланди. Музей-қўриқхонада ва Паҳлавон Маҳмуд номи билан боғлиқ бошқа жойларда ҳам катта ҳажмда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Тантанали йиғилиш санъат усталарининг катта байрам концерти билан якунланди. Тантанали йиғилишда вилоят ҳокими И.Юсупов иштирок этди.

**Т.ШАМАКОВ, ЎзА мухбири.**

*1999 йил - Аёллар йили*

## ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Фарғона Давлат университети кутубхонасида Аёллар йили муносабати билан ана шу мавзуда кўргазма очилди. Унда мамлакатимиз мустақилликка эришгач оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш, аёлларнинг жамият ҳаётида фаол қатнашиши ва оилада бола тарбияси билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар очиб берилаётганини акс эттирувчи суратли лавҳалар, ранг-баранг китоблар, рисолаларга кенг ўрин берилган. Кўргазмага аёлларимизнинг ўтмишдаги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар ҳам қўйилган.

## УЛАР БИЗНИНГ БАХТИМИЗ

Мустақилликнинг дастлабки йилларида айрим иқтисодий қийинчиликларни рўкач қилиб болалар боғчаларини ёпиб қўйган хўжаликлар бўлди. Аммо далаларда ишлайдиган аёллар меҳнатини, уларнинг рўзғор ташвишларини яхши тушунган раҳбарлар бундай йўл тутмади. Денов туманидаги Яздан Хайитқулов раислик қилаётган Ислом Тўраев номли хўжаликдаги учала боғча ҳам қишин-ёзин ишлаб турибди. Уларда қишлоқ меҳнаткашларининг 250 нафар фарзанди тарбияланмоқда.

- Боғчаларимиз асосан хўжалигимизда етиштирилаётган маҳсулотлар билан таъминланаётир,- дейди хўжалик раҳбари. - Гўшт, сут, тухум, бу ёғи картошкаю сабзи, пиёз, карам, олма, узум, қўйингки, ҳамма нарса ўзимиздан чиқади.

Хўжаликда иш янгича ташкил этилиб, мўл ҳосил етиштирилаётгани ва даромад ҳам шунга яраша бўлаётгани барча ижтимоий масалаларни муваффақиятли ҳал этиш имконини бермоқда.

**Чори ТЎҲТАЕВ, ЎзА мухбири.**

## ОИЛА МАЪМУРЧИЛИГИ АЁЛ БИЛАН

Аёллар борки, олам мунаввар. Кундузни кундуз, кечани кеча демай, байраму маъракаларда тиним билмас аёлларимиз ҳар қачон эъзозланиб келинган.

Мустақил Ўзбекистонимизда аёлларга бўлган эътибор амалий ишларда намоён бўлаётир. Жумладан «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши, 1998 йилнинг Оила йили, 1999 йилнинг эса Аёллар йили деб эълон қилинишида рамзий маъно бор. Яқинда маҳалла қўмиталарида сайлаб қўйиладиган хотин-қизлар Кенгаши раислари лавозимининг жорий этилиши ҳам ҳукуматимизнинг аёлларга бўлган алоҳида эътиборининг амалдаги исботи бўлди. Сайланадиганлар - кўпчилик ишончини қозонганлар ҳисобланади. Пис-кент шаҳридаги «Мўминобод» маҳалласи аҳли мени ана шундай шарафли ишга лойиқ, деб топишганидан бошим кўкларга етди.

Бу масъулиятли вазифадаги аёлнинг оиладаги меҳнати каби иш соати, дам олиш куни йўқ, беҳаловат, лекин мароқли эканлигини кўп йиллик тажрибада синаб кўрганман. 40 йил математика фанидан дарс бериш билан бирга 16 йил туман хотин-қизлар Кенгашининг раиси бўлиб фаолият кўрсатдим. Ўйлашимча, маҳаллада ишлаш ҳам осон бўлмайди. Маҳалламиздаги 510та хонадонда жами 3200 нафар аҳоли истиқомат қилса, оила ташвишларининг асосий қисми, маълумки, аёллар зиммасида. Шу боис хонадонларда бўлиб, уларнинг руҳияти, турмуш шароити билан танишиб, имконият борича уларга маслаҳатлар ва амалий ёрдам бермоқдамиз. Бу ишда сайлаб қўйилган 15 кишилик маслаҳат кенгаши аъзоларининг хизматлари катта бўлаётир.

Мақсадимиз ҳуқуқий демократик давлат қуриш экан, бу йўлда жамоатчилик тафаккурини ўзгартириш, турмушимизга замонавий нигоҳ билан қарашга кўникма ҳосил қилишимиз зарур.

Маҳалламизда туманимизнинг турли жабҳаларида меҳнат қилаётган аёллардан ташқари 200га яқин уй бекалари ва кичик ёшдаги болалар тарбияси билан банд оналаримиз бор. Улардан айримлари ижтимоий меҳнат фаолияти билан машғул бўлсалар, айримлари қисқа курсларни битириб, бичиқчи, тикувчи ва бошқа касбларни эгаллаб, уйда меҳнат қилаяптилар. Яна бир гуруҳ аёлларимизни кўрпа-кўрпача тикадиган чевар оналарга шогирд қилиб қўйдик. Яқин вақтларда ёш оналар ўз уйларида буюртма бажарадиган бўлишади.

Режаларимиз кўп. «Намунали хонадон», «Намунали қайнона», «Намунали келин» каби кўрик танловларни мунтазам ўтказиб борамиз, 8 март, «Наврўз», байрамларини чинакам тантаналарга айлантирамиз, деган ниятларимиз бор.

**Назира ШОМАТОВА, Пискент шаҳридаги Мўминобод маҳалла хотин- қизлар кенгашининг раиси.**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

## ҚОЛОҚЛИККА БАРҲАМ БЕРИЛАДИ

Изланиш, изчиллик бўлмаган жойда муваффақиятга эришиш қийин. Газетамизнинг ўтган йили 17 октябр сонида Олтинсой туманининг «Пахтакор» жамоа хўжалигида ҳал қилувчи дамларда ғўза парвариши ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, аксарият жойларда йиғим-терим қизғин авж олдириб юборилган бир шароитда хўжаликда кўсаклар қачон очиларкин, деб ўтирилгани танқид остига олинганди.

Ушбу мақола юзасидан Олтинсой тумани ҳокимлигидан қуйидаги жавобни олдик.

«Ишонч» газетасининг «Нимадан кўнгил тўлмаяпти, отахон?» сарлавҳа остида чоп этилган мақола юзасидан «Пахтакор» жамоа хўжалиги бошқаруви йиғилиши бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимининг тармоқ бўйича муовини М.Қаршиев, мутахассислар иштирок этдилар. Мажлисда мақола атрофлича муҳокама этилди. Хўжаликда мўл, арзон ва сифатди ҳосил етиштириш учун имконият бўлса-да, раҳбарларда етарли даражада изланиш ва изчиллик етишмаётганлиги ҳамда ҳал қилувчи дамларда ғўза парвариши ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги тўғри, деб топилди. Тармоқдаги танг аҳволни ўнглаш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди. Ҳал қилувчи дамларда ғўза парваришига етарлича эътибор бермаганлиги, совуққонлиги учун хўжалик бош ҳосилоти Хонимқул Маманазаров огоҳлантирилди. Унинг ўз вазифасида қолиш-қолмаслиги масаласи жамоа хўжалиги умумий йиғилиши эътиборига ҳавола этилди.

**Р.АЛИМОВ, Олтинсой тумани ҳокими.**

## «КУТУБХОНА ЭШИГИДА ҚУЛФ»

Кутубхона маънавият ўчоғларидан биридир. Бу ерга келган киши билими, дунёқарашини кенгайтиради, маънавий озуқа олади.

Лекин Касби тумани кутубхоналарининг кўпчилиги ибратли фаолият юритмаяпти. Улар янги адабиётлар билан таъминланмаган.

«Ишонч» газетасининг ўтган йил 5 ноябр сонида чоп этилган «Кутубхона эшигида қулф» сарлавҳали танқидий мақолада Касби туман марказий ва «Ғалаба» пайчилик жамияти ҳудудидаги кутубхоналарда мавжуд бўлган камчиликлар очиб ташланганди.

Яқинда таҳририят туман ҳокимлигидан мазкур мақолага жавоб хати олди. Унда туман ҳокимлиги мақолада тилга олинган кутубхоналар аҳволини ўрганиб чиқиб,текшириш якунини маданият бўлими жамоаси ўртасида муҳокама қилиб, кўрсатилган камчиликлар тўғрилиги эътироф этилган.

Ҳақиқатда ҳам кўпгина зиё масканларида сўнгги пайтларда оммавий-ташкилий ишлар сусайтириб юборилган. Йиғилишда туман марказий кутубхонаси раҳбарлари, методистлари, зиё масканининг жойлардаги бўлим мудирлари бу ҳақда огоҳлантирилдилар. Туман маданият бўлимининг мудири С.Саидовнинг эътибори ходимларга нисбатан талабчанликни ошириш, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш масалаларига қаратилди.

Айни кунларда туман ҳокимлиги кутубхона ва бошқа маданият муассасалари фаолиятини тубдан яхшилаш юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширмоқда.

**Б.КАРИМОВ, Касби туман ҳокимининг ўринбосари.**

## Соф фойда — 60 миллион сўм!

**Коғон туманидаги «Бухоропарранда» ҳиссадорлик жамияти янги йилни ана шундай қувончли натижа билан кутиб олди. Жамоа паррандабоқарлари йил давомида режадаги 10 миллион ўрнига 16 миллион дона тухум етиштиришга эришдилар. Парҳез гўшт етиштириш эса икки баравар ортиб, 150 тоннани ташкил этди.**

**Меҳнат унумдорлигининг ортиши туфайли ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик маоши ҳам кўпайди. Йил якунларига кўра ҳар бир акция учун ўтган йилгига қараганда 350-400 сўм кўп дивидент тўланиши мўлжалланмоқда.**

**Илҳом САФАР, ЎзА мухбири**

